

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги**

**Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат
университети**

Ҳуқуқшунослик факультети

КАФЕДРА: Жиноят ҳуқуқи

КУРС ИШИ

Мавзу: Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси.

Бажарди: 3-курс 2-гуруҳ талабаси
Олимжонов Н.
Илмий раҳбар: Р.Мирзаев

Самарқанд-2013

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси.

- 1.Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси тушунчаси.
- 2.Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш асослари ва тартиби.
- 3.Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси муддатлари ва узайтириш тартиби.

1.Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси тушунчаси.

Президент И.А.Каримов қонунларимизни либераллаштирилиши хусусида жумладан шундай деган эдилар: «Эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш ўрнига гаров, тегишли хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш ва бошқа чоралардан фойдаланиш маъқулдир. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий жиноят содир этганликда айбланувчи ўзининг судга қадар қамалмаслигини аниқ билса, тергов ва суддан яширинишга ҳаракат қилиб ўтирмайди».^{1[225]}

Қамоққа олиш бошқа эҳтиёт чораларига нисбатан энг жиддий чора ҳисобланади. У қўлланилган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари сезиларли равишда чекланади. «Ҳуқуқий давлатда инсоннинг риоя этилиши лозим бўлган энг муҳим яшаш ҳуқуқи билан бир қаторда унинг эркинлиги ва шахсий даҳлсизлиги ҳуқуқи кафолатланиши шарт».^{2[226]} Шахсни узоқ вақт қонунсиз қамоқда сақлаш, унга зулм қилиш - конституциявий ҳуқуқини поймол этишдан иборат.^{3[227]} Ана шу сабабли, ҳеч ким қонунда кўрсатилмаган асослар ва унда белгиланмаган тартибда қамоққа олиниши мумкин эмаслиги Францияда 1789 йил 26 августда эълон қилинган машҳур «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси»да алоҳида таъкидланган эди. Амалиётда жуда кўп қўлланадиган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси шахс қонуний ҳуқуқ ва шахсий эркинликлари доирасига давлатнинг бевосита таъсир этишидир.^{4[228]}

Қамоққа олиш тартиби ва шартларининг тарихий-ҳуқуқий таҳлили шуни кўрсатадики, қамоқда сақланаётган шахснинг

^{1[225]} Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –Б.38-39.

^{2[226]} Демидов И.Ф. Проблема прав человека в Российском уголовном процессе (концептуальные положения). –М.: 1995. –Б.19.

^{3[227]} Савицкий В. Последние новеллы УПК: порядок и сроки содержания под стражей // Российская юстиция. –1997. –№5. –Б.17

^{4[228]} Защита прав человека и борьба с преступностью. Документы Совета Европы. –М.: 1998. –Б.221.

ҳукукий ҳолати жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитлар билан узвий боғлиқ.^{5[229]}

Қамоққа олиш чораси жиноят процессида айбланувчи ва гумон қилинувчи яна жиноят содир этишининг олдини олиш, огоҳлантириш, нейтраллаштириш учун, баъзи ҳолларда жиноят судлов ишларининг у ёки бу вазифаларини амалга ошириш мақсадида қўлланади.^{6[230]}

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига нисбатан қамоққа олиш чораси фақат қонундаги бошқа эҳтиёт чоралари дастлабки тергов ва суд самарали боришини таъминламаган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Қамоққа олиш ўзининг ташқи аломатлари жиҳатидан бошқа процессуал мажбурлов чораси – гумон қилинувчини ушлаб туришга ўхшайди. Бу мажбурлов чоралари учун умумий белги шахснинг озодликдан маҳрум бўлиши ва жамиятдан ажратиб қўйилишидир.

Озодликдан маҳрум қилишдан қамоққа олишнинг фарқи уларни қўллаш мақсадлари билан белгиланади. Ҳар қандай жазонинг, шу жумладан озодликдан маҳрум қилишнинг мақсади содир этилган жиноятга яраша жазолаш ва маҳкумни қайта тарбиялаш, жамиятга фойдали шахс сифатида қайтаришдан иборат, қамоққа олишнинг мақсади эса ўзгача тавсифга эга.

Махсус адабиётда таъкидланганидек, эҳтиёт чораси тарзида қамоқда сақлаш на асослари, на мақсадлари нуқтаи назаридан жазо эмас.^{7[231]} Шахс айбсизлик презумпциясига биноан, то ҳукм кучга кирмагунча айбдор ҳисобланмайди. Лекин В.М.Савицкий қайғуриб ёзганидек, амалиётда терговчи ёхуд прокурор бирон шахсни айблаб, уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қиларкан, у ўз-ўзидан айбдорлар сафига киритилади. Суднинг бу шахсга жазо тайинлаши қолади, холос.^{8[232]} Ана шу руҳиятдан қутулиш қийин кечмоқда.

Шахсни қамоққа олинишидан асосий мақсад унинг дастлабки тергов ва суддан бўйин товлашига имконият қолдирмаслик, янги жиноятлар содир этишининг ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилишининг олдини олишдан иборат. Қамоққа олиш яна

^{5[229]} Андреев В.Н. Содержание под стражей в СССР и России. –М.: Спарк, 2000. –Б.67.

^{6[230]} Михайлов В.А. Методологические основы мер пресечения. –М.: Академия управления МВД России. 1998. –Б.6.

^{7[231]} Черкасов А., Шляпникова О., Громов Н. Арест как мера пресечения в свете презумпции невиновности // Правозащитник. –2002. –№1. –Б.18.

^{8[232]} Савицкий В.М., Ларин А.М., Мельников Э.В. Уголовный процесс России. Лекции, очерки. / Под ред.: П.А.Лупинской. –М.: Юрид. лит., 1997. –Б.219-220.

бир бошқа, фақат шу эҳтиёт чорасига хос бўлган мақсадни – хавфли айбланувчиларни дарҳол жамиятдан ажратиш мақсадини ҳам кўзлайди. Оғир жиноят содир этганликда айбланаётган шахсларни қамоққа олиш жамоат тартибини муҳофазалаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолати ҳисобланади. Уларни жамиятдан ўз вақтида ажратиш жамоатчилиқни, барча фуқароларни уларнинг ҳуқуқлари ва тинчлиги ишончли қўриқланаётганлигига қаноат ҳосил қилдиришга хизмат қилади.

Юридик адабиётда шундай фикрлар билдириладики, уларга кўра қамоққа олиш содир этилган жиноят учун жазолаш элементларини ўзида мужассам этади ва тарбиявий мақсадларни кўзлайди. Баъзи муаллифларнинг фикрича, судья айбланувчи жиноят содир этишда айбдор ёки етарли даражада айбдор бўлмаса ҳам уни қамокда сақланишини таъминлаш мақсадида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо тайинлайди.^{9[233]} Бу фикрлар жиноят судлов ишларини юритишда айбсизлик презумпциясига зиддир.

Ҳақиқатан, қамоққа олинган шахс жазоланди ва жазога тааллуқли элементлар ҳаракатга келди, дейиш асло мумкин эмас. Қамоққа олиш айбланувчи ёки гумон қилинувчини жазолаш мақсадида қўлланмайди. Жазо ва жазолашнинг мақсади азоблаш, маҳрум этиш, мажбурлаш тушунчаларига яқин. Дарҳақиқат, қамок мажбурлов тарзидаги чора бўлиб, шахсга бирмунча маънавий азоб етказди, лекин жазо ҳисобланмайди.

Қамоққа олишнинг тарбиявий томонларини фақат процессуал мажбурлов чораларининг умумий превентив нуқтаи назаридан қайд этиш мумкин, ўз навбатида жазо асосий мақсад сифатида маҳкумларни қайта тарбиялашни назарда тутди. Жазолаш ва қамоққа олиш чорасининг асослари ҳам турличадир. Жазолашга асос - шахснинг жиноят содир этганлиги суд ҳукми билан исботланиши бўлса, қамоққа олишга асос - шу шахс томонидан оғир жиноят содир этилгани ва у озодликда қолса, янги жиноят содир этиши, суддан бўйин товлаши, яшириниши, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши, ҳукм ижросига қаршилик қилиши тўғрисидаги фактик маълумотлардан иборат.

^{9[233]} Стецовский Ю.И. Право на свободу и личную неприкосновенность: Нормы и действительность. –М.: Дело, 2000. –Б.169; Бундан ташқари Б.Я.Гаврилов ҳам Интернетдаги ҳуқуқий сайтида шунга ўхшаш фикр билдирган. Ресурc: <http://www.jk.ru/tema/arrest/gavrilov.html>.

Қамоққа олиш ва жазолашнинг сезиларли фарқларидан бири маҳкумларнинг жазони ўташ жойлари, қамоққа олинган айбланувчиларнинг эса тергов ҳибсхоналарида сақлаш тартибида ифодаланади (ЖПКнинг 244-моддаси). Эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олинган шахс жиноят иши тўла ҳал бўлгунга қадар маҳкумлардан алоҳида равишда сақланади.

Қамоққа олишни маъмурий ҳуқуқбузарни ушлаб туриш ва жазолаш билан ҳам тенглаштириш мумкин эмас. Маъмурий қамоқ қонунбузарни 3 суткадан 15 суткагача қамаш, худди эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олишга ўхшайди. Маъмурий қамоқ жазосига тортилганлар тергов ҳибсхоналарида ёки дастлабки қамоқ камераларида, эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олинганлардан алоҳида сақланадилар.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят кодексида 3 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган^{10[234]} қасддан содир этилган жиноятларга доир, ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексида 5 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилиши ЖПКнинг 242-моддасида кўрсатилган. Аммо ушбу эҳтиёт чорасини танлашга фақат шунинг ўзи етарли эмас, уни дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлаш, кейинги жиноий фаолиятини олдини олиш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларга йўл қўймаслик, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш учун зарурлиги ҳам исботланмоғи, шунингдек ЖПКнинг 236, 238 ва 242-моддалари талаблари инобатга олиниши шарт.

Эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олиш баъзан муқаддам судланган шахс озодликда қолган тақдирда янги жиноят содир этиши ёки жиноий фаолиятни давом эттириши эҳтимол бўлгани учун қўлланади. Аслида тергов материалларида айбланувчи жиноий фаолиятни давом эттириши хавфи исботланмаган бўлса, қамоққа олиш учун айбланувчи ёки гумон қилинувчининг фақат муқаддам судланганлигини асос қилиб олиш хато бўлар эди.

Агар айбланувчи унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари билан боғлиқ талабларга риоя қилмаган бўлса, хусусан, муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхатни бузса, унга нисбатан

^{10[234]} Бу муддат РФ, Беларус, Молдова ва Қозоғистон ЖПКларида икки йил, Украина ЖПКда бир йил белгиланган.

қамокқа олиш чораси қўлланиши мумкин. Бу ҳолда суд қамокқа олиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда айбланувчига нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат ўз самарасини бермаётганлигини, тергов олдида турган вазифаларни бажаришга фақат қамокқа олиш имкон беришини таъкидлаши шарт.

Қамокқа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасини танлашда жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган ва ундан келиб чиқадиган шартлар эътиборга олиниши лозим. Қамокқа олиш шартлари деганда, бу эҳтиёт чорасини танлашга ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини кўрсатувчи процессуал ҳолатлар тушунилади. Қамокқа олиш чораси қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлгандагина асосланган ва қонуний деб ҳисобланиши мумкин:

- шахс ишга айбланувчи тариқасида жалб қилинган;
- содир этилган жиноятга қонунда озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо назарда тутилган;
- айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олинган;
- прокурор ёки унинг рухсати билан терговчининг шахсни қамокқа олиш тўғрисидаги илтимосномасига суд томонидан рухсат берилган;
- эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш тўғрисидаги қарор жиноят процессуал қонунларидаги меъёрларга мос чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 243-моддасига кўра қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат гумон қилиниб ушлаб турилган ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланиши мумкин.

ЖПКнинг 243-моддаига биноан, судья гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

- 1) Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида;
- 2) Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш тўғрисида;
- 3) Тарафлар қамокқа олиш тўғрисидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг асосланганлиги ёки асосланмаганлигига доир қўшимча далилларни тақдим этишлари учун ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш тўғрисида.

Аввал қайд этилганидек, қонун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жиноят содир этмаган шахсларга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўллашни тақиқлайди. Айбланувчи ёки гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш чорасини танлашда қамоққа олинувчининг шахсига тегишли маълумотларни, яъни унинг ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи, машғулоти тури ва бошқаларни аниқлаш лозим. Қонунда эҳтиёт чорасини танлашда эътиборга олинадиган шахс тўғрисидаги ҳамма маълумотлар рўйхатини келтириш қийин. Бу маълумотлар доираси ҳар бир ишнинг ҳолатига қараб алоҳида аниқланади. Аммо эҳтиёт чорасини танлашда айбланувчининг машғулоти, мансаби, иш жойи, касби, мутахассислиги, малакаси, жамоа билан муносабатлари тўғрисидаги маълумотлар албатта эътиборга олинаши шарт.

Терговчи, прокурор ёки суд бир жиноят иши бўйича ёки бир неча ўзаро боғлиқ ишлар бўйича айбланувчиларни алоҳида-алоҳида сақлаш тўғрисида тергов ҳибсхонасининг маъмуриятига кўрсатма беришга ҳақли. Қамоққа олинганлар оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган бўлсалар, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан турма ёки тергов ҳибсхонасининг бир кишилиқ камерасида қамоқда сақлаб турилиши мумкин. Бу чора вояга етмаганларга, олтмиш ёшдан ошганларга, шифокор томонидан тасдиқланган оғир касалларга ва руҳий касалликка чалинганларга нисбатан қўлланилмайди (ЖПК 244-моддаси).

Қамоқда сақланаётган шахсларни ушлаб турилганлар сақланадиган жойда кўпи билан ўн суткагача сақлаб турилиши, уларни тергов ҳибсхонасига вақтида олиб боришга имкон бўлмаса, 30 суткагача сақланиши мумкин.

Ҳарбий хизматчилар авахтада кўпи билан йигирма суткагача, олис жойларда эса, эҳтиёт чорасининг буткул муддати давомида ушлаб турилади. Ҳарбий хизматчини авахтада ушлаб туриш муддати ҳарбий судлар томонидан ишни судда кўриб чиқиш даврига, лекин ўн беш суткадан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Интизомий қисмга юборишга ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар ҳам ҳукм қонуний кучга киргунга қадар авахтада сақланади.

Мазкур чорани қўллаш терговчига далилларни тўплаш билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Айбланувчининг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалақит беришга қаратилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва гувоҳдан ўч олинаши

билан боғлиқ кўрқув сабабли юзага келади. Чунончи, Тошкент автосаройларидан бирининг бошлиғи томонидан ҳайдовчиларни даромад келтирадиган шаҳарлараро рейсларга қўйиш эвазига пора олиши юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов вақтида кўп ҳайдовчилар бу ҳақда кўрсатув беришдан бош тортган. Бироқ, автосарой бошлиғи пора олаётганда қўлга олингандан ва камалгандан сўнг, шу вақтгача индамай келган ҳайдовчилар «гапира бошлаганлар».

Шахсни қамаш учун асосларнинг етарли эмаслиги туфайли айбланувчини озодликда қолдириш – уни жиноят ишига айбланувчи сифатида жалб этишни истисно этмайди. Бошқача қилиб айтганда, айбланувчи ижтимоий хавfli ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этгани ҳақида асослар бўлса-да, жиноят ишидаги далиллар шахсга нисбатан қамоқ тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун эмас, балки фақат айб эълон қилиш учун етарли деб эътироф этилади.

Баъзи муаллифлар, Жиноят-процессуал кодексига қидири-лаётган ҳар қандай айбланувчи ва гумон қилинувчига нисбатан ҳам эҳтиёт чорасини қўллаш мумкинлиги тўғрисида қондани киритиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, эҳтиёт чорасининг қўлланмаганлиги бу шахсларни ушлаш ва жиноят содир этилган жойга келтиришнинг қонунийлигини шубҳа остига қўяди.^{11[235]} Бу фикрга қўшилиш мумкин эмас. Чунки ҳар қандай айбланувчи ва гумон қилинувчига нисбатан эҳтиёт чорасини сиртдан қўллаш амалиёти ҳозирги либераллаштириш сиёсатига зид ва бу ҳолларда суднинг қамоққа олиш тарзидаги чорани қўллашга рухсат бермаслиги мантиқан тўғридир.

ЖПК 227-моддасининг иккинчи қисмига биноан, қидирилаётган айбланувчи ушланганда, агар унга нисбатан қамоққа олиш тариқасида эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор бўлмаса, шахс ушланган туман (шаҳар) прокурори уни тергов ўтказилаётган жойга олиб бориб топшириш учун зарур бўлган, лекин ўн суткадан ортиқ бўлмаган муддатга ушлаб туриш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Бу ҳақда қарор чиқариш олдидан прокурор ушлаб турилган шахсни сўроқ қилиши шарт.

^{11[235]} Егорова М.С. Институт приостановления производства по уголовному делу и обеспечение прав и законных интересов участников уголовного процесса при реализации его норм: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. –Волгоград: 2004. –Б.28.

Мазкур қоида фақат айбланувчини назарда тутеди. Гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахс қидирув натижасида ушланган ҳолларда ҳам уни тергов ўтказилаётган жойга олиб бориб топшириш ҳам шу қоидага мувофиқ амалга оширилиши керак. Бу ҳақда Кодекснинг 227-моддасига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ. Шахсга айблов эълон қилингунга қадар эҳтиёт чорасини қўллаш жиноят содир этганликда гумон қилиш учун етарлича далиллар бўлгандагина амалга оширилиши мумкин. Лекин бунинг учун шахснинг истиқомат қилиш ва иш жойи номаълум эканлиги, озодликка чиқариш унга терговдан яшириниш учун имкон бериши исботланган бўлиши лозим. Бундай ҳолларда шахсга қайси жиноят содир этишда гумон қилинаётганлиги эълон қилинади, сўнгра қамокқа олишга асос бўлган ҳолатлар бўйича сўроқ қилинади.

Барча ҳолларда шахснинг айбини фош этувчи далилларнинг ўзи унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олишни қўллаш учун етарли эмас. Мазкур далиллар билан бир қаторда, шахснинг тергов ёки суддан бўйин товлаши, жиноий фаолиятини давом эттириши, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши билан боғлиқ ҳолатларга оид далиллар ҳам мавжуд бўлиши керак. Далилларнинг мазкур турини эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш асосларининг элементлари ёки таркибий қисмлари деб ҳисоблаш мумкин.

Шахсни айбланувчи сифатида ишга жалб қилиш учун, айнан у жиноят содир этганлигини тасдиқловчи далиллар бўлиши шарт. Жиноят содир этишда айбсиз бўлган шахсни эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олишнинг оқибатлари уни айбланувчи сифатида ишга жалб этиш каби жиддийдир. Эҳтиёт чораси тарзида қамокқа олишнинг қонунийлиги ва асослилигини кафолатлаш мақсадида прокурорнинг қарорига суд томонидан рухсат бериш назарда тутилган.

Шахсни қамокқа олишга асос бўлувчи далиллар ўз хусусиятига кўра фақат процессуал манбалардан олинган бўлиши лозим. Процессуал бўлмаган манбалардан олинган маълумотлар шахснинг жиноят содир этишга тегишлилигини исботловчи далил ҳисобланмайди ва қамокқа олиш учун асос бўлолмайди.

Айблов эълон қилинмасдан аввал, гумон қилинувчини қамокқа олишга қадар унинг ақли норасолигидан дарак берадиган шубҳалар

албатта текширилиши лозим. Шу мақсадда суд-психиатрия экспертизаси ҳамда бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш зарур.

Жиноят ишларида эҳтиёт чораси қўллашни тўғридан-тўғри тақозо қилувчи далиллар камдан-кам учрайди. Одатда эҳтиёт чорасини қўллашга асос бўлиб жиноят содир этиш усуллари, жиноятнинг давом этиши, тамагирлик ва бошқа ниятларда бир қанча жиноятлар содир этиш, айбланувчи шахсининг салбий тавсифи, судланганлиги каби ҳолатлар мажмуи хизмат қилади.

Кўп ҳолларда қамоққа олиш айбланувчининг тергов ёки суддан яшириниши хавфининг мавжудлиги билан асосланади. Бир қанча жиноят ишларида айбланувчи жиноят содир этишидан сўнг дарҳол яширинган ёки аниқ турар жойи ва машғулоти бўлмаган. Биринчи ҳолатда ғайриқонуний хулқ-атворнинг ўзи айбланувчини судга қадар қамоқда сақлаш заруратини юзага келтирса, иккинчи ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати айбланувчи томонидан терговдан бўйин товлаши эҳтимоллигидан юзага келади. Муайян турар жойи ва машғулоти бўлмаган айбланувчига бошқа хил эҳтиёт чорасини қўллаш, у терговдан яширинмаслигига кафолат бера олмайди. Мазкур ҳолат, айбланувчи томонидан жиноий фаолиятни давом эттирилиши эҳтимол эканлигидан дарак беради. «Айблов (гумон)нинг асосланмаганлиги, масалан, жиноятни «ошириб» квалификация қилиниши, айблов ҳажмининг нотўғри кўрсатилиши ёки содир этилган жиноятга шахснинг дахлдорлиги хусусидаги маълумотларнинг етишмаслиги асносида қамоққа олиш чорасини қўллаш қонунни жиддий бузиш ҳисобланади».^{12[236]}

Деярли 20 фоиз ҳолларда эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш айбланувчи эркинликда бўлган ҳолда жиноий фаолиятини давом эттириши мумкинлиги билан асосланади. Мазкур асос, одатда қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги билан боғлиқ:

- шахс қисқа муддат ичида бир нечта жиноят содир этган, доимий машғулоти бўлмаган;
- айбланувчи тергов жараёнида жиноий фаолиятини давом эттирган ва ундан эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олинган бўлишига қарамай, янги жиноят содир этган, жабрланувчининг шахси ва мол-мулкига жиноий тажовуз этишни давом эттирган;
- шахс алкоголли ичимлик ва наркотик воситаларни қўлга

^{12[236]} Калиновский К.Б., Смирнов А.В. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации. / Под общ. ред.: А.В.Смирнова. 2-е изд., доп. и перераб. – СПб.: Питер, 2004. –Б.556.

киритиш ва истеъмол қилиш мақсадида қасддан жиноят содир этган;

– айбланувчининг хулқ-атвори турар жойи ва иш жойида салбий баҳоланган;

– айбланувчи муқаддам судланган ёки қасддан содир этган жинояти учун унга нисбатан жамоатчилик таъсир чоралари аввал ҳам қўлланган.

Бошқа асосларга нисбатан камроқ ҳолатларда айбланувчи иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалақит бериши хавфи борлиги сабабли қамокқа олиш эҳтиёт чораси қўлланган. Айбланувчилардан тахминан 10 фоизи иш бўйича жабрланувчи ва гувоҳларни илтимос, ваъда, дўқ-пўписа, қўрқитиш орқали кўрсатувларини ўзгартиришга ундаган, ашёвий далилларни йўқ қилишга уринган.

Қамокқа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати ҳақида асосланган хулоса қилишга имкон берувчи ҳолатларни таҳлил қилиш уларнинг моҳиятан бир-биридан фарқланишини кўрсатади. Чунончи, айбланувчи терговдан яширингани, қайта жиноят содир этгани, турар жойи ва муайян машғулоти бўлмагани, узоқ муддат давомида жиноий фаолият билан шуғулланганлиги ва, ниҳоят, оғир жиноят содир этганлиги уни қамокқа олиш зарурлигини тақозо қилади. Бироқ, баъзан амалиётда қамокқа олиш заруратига тўғридан-тўғри ишора қилувчи ҳолатлар бўлмаган тақдирда ҳам қарор қабул қилиш лозим бўлади. Бундай ҳолларда асосли қарор қабул қилиш учун айбланувчи шахсига берилган тавсиф, унинг оилавий аҳволи, содир этган қилмишига муносабати, жиноятнинг хусусияти, жиноят учун жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар ва ҳоказолар муҳим аҳамиятга эгадир.

Амалиётда учраб турадиган хатолардан асосийси – жиноятнинг фақат ижтимоий хавфлилиги жиддий экани сабабли қамокқа олиш чорасини қўллашдан иборат. Содир этилган жиноят терговчига қанчалик хавfli бўлиб туюлмасин, фақат унинг оқибатлари ва содир этиш усуллари инобатга олиб бу чорани қўллаб бўлмайди. Турли жиноятларга қарши кескин кураш олиб боришни талаб қилган шўролар сиёсатида айбланувчиларга қамок чорасини қўллаш кенгайтирилишини талаб қилиш одат тусига кириб қолган эди. Масалан, СССР Олий Совети Президиумининг 1966 йил 26 июлда чиқарган «Безорилик билан курашни кучайтириш тўғрисида»ги фармонида бу жиноятда айбланаётганларни «қоидага кўра» қамокда сақлаш буюрилган эди.

Жиноятни нотўғри таснифлаш айрим терговчиларнинг суд томонидан айбловни оғирроқ турига алмаштиришни лозим топиб, ишни кўшимча тергов қилишга қайтариб юборишидан хавфсираши оқибатида юз беради. Айбловни енгилроқ турига қайта тасниф қилиш, қоидага кўра, айблов ҳукми чиқаришга тўсқинлик қилмайди. Мазкур амалиёт тўғри деб тан олиниши мумкин эмас, зеро у эҳтиёт чорасини қўллашга асос бўлмагани ҳолда, жиноятнинг айнан ижтимоий хавфлилиқ даражаси туфайли шахснинг асоссиз қамоққа олинишига сабаб бўлган.

Вояга етмаганларга нисбатан эҳтиёт чоралари қўллашда алоҳида шартларга эътибор бериш лозим бўлади. Қонунда уларга нисбатан қамокда сақлаш чораси фақат беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятга доир ишлар бўйича йўл қўйилган. Шунингдек, вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишда уларни прокурор албатта шахсан сўроқ қилиши керак (ЖПКнинг 558-моддаси).

Прокурор вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилаётганда педагог ёки психолог иштирок этиши шарт. Бу талаб ЖПКнинг 554-моддасида албатта кўрсатилиши лозим. Бунинг ўрнига прокурорлар айбланувчиларни қамоққа олиш масаласини ҳал қилаётганда уларни терговчи иштирокида сўроқ қилиш ҳоллари учрайди. Бу вояга етмаганга салбий таъсир этиб, ўзини эркин тутишига тўсиқ бўлади.

Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга доир БМТнинг минимал андозаларига^{13[237]} биноан, гумон қилинган вояга етмаганларни қамокда сақлаш тақиқланган.^{14[238]} Улар бошқаларга нисбатан жиддий зўравонлик қилган ёхуд бир неча марта жиддий жиноятлар содир этганликда айбланаётган бўлсагина қамокда сақланиши мумкин. Бунга фавқулодда ва қисқа муддатга қўлланадиган чора деб қараш лозим.

Қамоққа олиш чорасини қўллашнинг процессуал тартиби ва унинг муддатлари. Қамоққа олиш айбланувчи, қонунда кўзда тутилган айрим ҳолларда эса гумон қилинувчиларга, яъни ҳали

^{13[237]} Улар БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги пленар мажлисида қабул қилинган ва «Пекин қоидалари» деган ном олган.

^{14[238]} РФ ЖПКнинг 108 ва 423-моддалари эса вояга етмаган гумон қилинган шахсни қамокда сақлашга оид халқаро қоидага мос эмас.

айблилиги ўз исботини топмаган, жиноят содир этганлиги тахмин қилинаётган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Прокурор ёки прокурорнинг розилиги билан терговчи жиноят иши бўйича ЖПК 236,242-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда, гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли.

Агар суриштирув юритиш жараёнида гумон қилинувчига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар борлиги аниқланса, суриштирувчи Жиноят-процессуал кодекси 342-моддасига мувофиқ, суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан, ишни дарҳол терговчига ўтказиши шарт.

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома кўзғатиш тўғрисидаги қарорда, шахс гумон қилинаётган ёки айбланаётган жиноят, қилмиш квалификацияси, гумон қилинувчи, айбланувчини қамокқа олиш заруратини келтириб чиқарган асослар, шунингдек шахсга нисбатан бошқа турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги хулосалар баён этилиши лозим.

Бундай қарорга илтимосномани асослантирувчи зарур материаллар, жумладан, жиноят иши кўзғатиш, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорларнинг, ЖПК 221,225-моддалари тартибида тузилган ушлаб туриш баённомасининг, гумон қилинувчи, айбланувчининг шахсига оид маълумотларга доир ҳужжатларнинг, ҳимоячи ордерининг ёхуд ҳимоячидан воз кечиш ҳақидаги баённоманинг, ЖПК 239-моддаси талабларига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади. Зарурат бўлганда, прокурор томонидан судга кўздан кечириш учун мазкур ҳужжатларнинг асли, шунингдек бошқа ҳужжатлар тақдим қилиниши мумкин.

Илтимоснома ва материаллар судга ушлаб туриш муддати тугашидан камида ўн икки соат олдин, ҳар бир гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан алоҳида (шу жумладан жиноят иштирокчилиқда содир этилганда ҳам) тақдим қилинади. Материалга қўшилган ҳужжатлар нусхаси прокурор ёки терговчи томонидан тасдиқланган ва муҳрланган бўлиши зарур.

Қонунда белгиланган ушлаб туриш ёки қамокда сақлаб туриш муддати ўтгандан сўнг судга тақдим этилган қамокқа олиш

тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан кўриб чиқилмайди. Бундай ҳолларда, ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган шахсни озод қилиш масаласи ЖПК 234-моддаси ва 240-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ҳал этилади.

Шу билан бирга, бундай илтимоснома судга қонунда белгиланган муддат ўтгандан сўнг, бироқ ушлаб туриш ёки қамоқда сақлаб туриш муддати ўтгунга қадар тақдим қилинган тақдирда, суд томонидан уни кўриб чиқиш учун қабул қилиш рад этилишига йўл қўйилмайди. Бундай ҳолда, суд қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсга нисбатан хусусий ажрим чиқаради.

Қонунда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилиши белгиланган.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки жиноят иши тергов қилинаётган жойдаги суд томонидан кўрилиши керак. Материални судловга тегишлилиги хусусида ЖПК 243-моддасига таянган ҳолда тортишувга йўл қўйилмайди.

Судья бўлмаганда ёки илтимосномани кўриб чиқишда судьянинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, илтимоснома киритган прокурор ёзма равишда мазкур суд раисига, суд бир таркибли бўлганда эса - юқори турувчи суд раисига мурожаат қилади.

Юқори турувчи суд раиси мазкур мурожаатни дарҳол кўриб чиқади ва илтимосномани кўриб чиқишни бошқа тегишли суд судьясига топширади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома материал келиб тушган пайтдан эътиборан ўн икки соат ичида, лекин ЖПК 226-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ушлаб туриш муддати охиридан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ушлаб туриш тариқасидаги процессуал мажбурлов чораси қўлланилмаган айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома ҳам ўн икки соат ичида кўриб чиқилиши лозим.

Қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома материаллар судга келиб тушган пайтдан эътиборан

етмиш икки соат ичида ЖПК 247-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ кўриб чиқилади.

Суд қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилишини материаллар тақдим этилган кун ва вақтдан қатъий назар (дам олиш ёки байрам кунлари, иш вақти тугагандан сўнг) таъминлаши шарт.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўришда қатнашадиган суд мажлиси иштирокчилари таркиби қонунда қатъий белгиланган бўлиб, жиноят ишини мазмунан кўришда қатнашадиган суд мажлиси иштирокчилари таркибидан бирмунча фарқ қилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, гумон қилинувчи ёки айбланувчи, ҳимоячи (агар у ишда қатнашаётган бўлса) иштирокида кўриб чиқилади. Бундай илтимосномани суд мажлисида кўришда гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қонуний вакили (агар у ишда қатнашаётган бўлса) иштирок этиши мумкин. Зарурат туғилганда суд мажлисига терговчи таклиф қилиниши мумкин.

ЖПК 20,51-моддаларида назарда тутилган ҳолларда суд мажлисида таржимон ва ҳимоячининг иштироки таъминланиши шарт. Илтимосномани кўришда бошқа шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Суд қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриш жойи, санаси ва вақтини белгилайди ҳамда бу ҳақда илтимоснома киритган прокурорни хабардор қилади. Прокурор ёки терговчи суд мажлиси иштирокчиларини, шу жумладан гумон қилинувчи ёки айбланувчини судга келишларини таъминлайди.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг (айбланувчи бундан мустасно), суд мажлисига келмаганлиги қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриш учун монелик қилмайди.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани айбланувчининг иштирокисиз кўришга, фақат унга нисбатан қидирув эълон қилинган ҳолдагина йўл қўйилади.

Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома айбланувчи стационар тартибдаги суд-психиатрия экспертизаси ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган ҳолда унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин. Бунда айбланувчининг ҳимоячиси суд мажлисида иштирок этиши шарт (ЖПК 247-моддасининг олтинчи қисми).

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома, шунингдек унга илова қилинган материаллар билан суд мажлиси иштирокчиларини таништириш қонунда кўрсатилмаган. Бироқ ҳимоя ҳуқуқи тўғрисидаги конституциявий принципдан келиб чиққан ҳолда, гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили илтимоснома ва унга илова қилинган материаллар билан, башарти улар бу ҳақда мурожаат этишган тақдирда, прокурор томонидан суд мажлиси бошлангунга қадар таништирилишлари лозим.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома суднинг биносида, ёпиқ суд мажлисида ҳар бир гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан алоҳида кўрилади.

Суд мажлиси судья томонидан қандай илтимоснома кўриб чиқилишини эълон қилишдан бошланади. Сўнгра судья ўзининг, прокурор, ҳимоячи, қонуний вакил, гумон қилинувчи ёки айбланувчи, котиб, таржимон, терговчининг фамилияси, исми, шарифини эълон қилади, гумон қилинувчи, айбланувчининг шахсини аниқлайди ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, рад этиш ҳақидаги арзлари бор-йўқлигини аниқлайди. Бундай арзлар мавжуд бўлса, улар юзасидан ЖПК 76,80-моддаларига мувофиқ қарор қабул қилинади.

Илтимосномани кўриб чиқиш прокурор маърузаси билан бошланади, у қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш заруратини асослаб беради. Сўнгра гумон қилинувчи ёки айбланувчи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек терговчи эшитилади, тақдим этилган материаллар текширилади. Сўнгра судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўришда ЖПК 426-моддасида назарда тутилган қоидаларга

мувофиқ суд мажлиси баённомаси юритилади ва у ажрим чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай имзоланади. Тарафлар суд мажлиси баённомаси билан у имзоланган пайтдан бошлаб танишишлари мумкин. Суд мажлиси баённомасига берилган мулоҳазалар дарҳол ЖПК 427-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Ишни мазмунан кўришдан фарқли ўлароқ, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўришда суд тергови ўтказилмайди, процесс иштирокчилари эшитилади, лекин сўроқ қилинмайди.

Илтимосномани асослаб бериш мажбурияти қонун бўйича судга эмас, балки прокурорга юклатилган ва у процесснинг исталган босқичида, суд алоҳида хонага киргунига қадар илтимосномани чақириб олишга ҳақли.

Суд гумон қилинувчи, айбланувчининг айблилиги ёки айбсизлиги масаласи муҳокамасига кирмаган ҳолда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилади.

Тўпланган материаллар етарли бўлмаган тақдирда, суд, тарафлар қўшимча далиллар тақдим этишлари учун уларнинг илтимосномасига асосан ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатгача узайтириши мумкин. Агар белгиланган муддатда тарафлар томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш асослилиги ёки асоссизлигига доир қўшимча далиллар тақдим этилмаса, суд мавжуд материалларга асосланган ҳолда қарор қабул қилади. Илтимоснома прокурор томонидан чақириб олинган тақдирда у суд томонидан кўрилмасдан қолдирилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилганда, ажримнинг қарор қисмида мазкур эҳтиёт чораси қандай муддатга қўлланилаётганлиги кўрсатилмайди.

Айни пайтда, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилганда, суд ушбу эҳтиёт чораси қайси санагача амал қилишини ажримда кўрсатиши шарт.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи тақдим қилинган илтимоснома бўйича қарор қабул қилиш имконияти бўлмаганлиги ва қўшимча далиллар тақдим қилиниши

зарурлиги сабабли бошқа вақтга қолдирилганда, суднинг ажримиди илтимосномани қайта кўриб чиқиш жойи, вақти ва санаси кўрсатилиши шарт.

Суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича чиқарилган ажрим устидан берилган шикоят (протест), апелляция инстанцияси суди томонидан урта судьядан иборат таркибда, суднинг биносида, ёпиқ суд мажлисида келиб тушган вақтидан бошлаб, етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Суд мажлиси раислик этувчи томонидан қандай шикоят (протест) кўриб чиқилишини эълон қилиши билан бошланади. Сўнгра раислик этувчи судьялар, прокурор, ҳимоячи, қонуний вакил, гумон қилинувчи ёки айбланувчи, қотиб, таржимон, терговчининг фамилияси, исми, шарифини эълон қилади, гумон қилинувчи, айбланувчининг шахсини аниқлайди ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, рад этиш ҳақидаги арзлар бор-йўқлигини аниқлайди. Бундай арзлар мавжуд бўлса, суд ҳайъати улар бўйича ЖПК 76,80-моддаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

Шикоят (протест)ни кўриб чиқиш судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади, у кўрилатган масаланинг моҳияти, шикоят (протест) важдари ҳамда уларга қарши билдирилган эътирозлар моҳиятини баён қилади. Сўнгра шикоят (протест) берган шахс эшитилади. Ҳам шикоят, ҳам протест берилган тақдирда, биринчи бўлиб прокурор сўзга чиқади. Суд зарурат юзага келса, терговчини эшитади, тақдим этилган материалларни текширади. Шундан кейин суд ажрим чиқариш учун маслаҳатхонага киради.

Шикоят (протест)ни апелляция инстанцияси судида кўришда ҳам ЖПКнинг 426-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суд мажлиси баённомаси юритилади.

Апелляция инстанцияси суди қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича чиқарилган ажрим устидан берилган шикоят (протест)ни кўриб чиқиб, ўзининг ажрими билан:

а) судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни қаноатлантирмасдан қолдиришга;

б) судьянинг ажримини бекор қилиш ва:

қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад этиш ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчини қамокдан озод қилишга;

гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга;

айбланувчига нисбатан қамокда сақлаб туриш муддатини узайтиришга;

айбланувчига нисбатан қамокда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад этишга ва, агар қонунда белгиланган қамокда сақлаб туриш муддатлари тугаган бўлса, уни қамокдан озод этишга ҳақли.

Судьянинг қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд қўллашни рад этиш ҳақидаги ажрими у эълон қилинган пайтдан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши шарт.

Судьянинг ажрими суд залида прокурорга ижро қилиш учун, гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячига - маълумот учун топширилади. Апелляция инстанцияси судининг ажрими прокурорга ижро қилиш учун, суд мажлисининг бошқа иштирокчиларига - маълумот учун тақдим этилади.

Агар қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш жараёнида қонун бузилганлиги, жумладан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала қўлланилганлиги ҳақида мурожаат қилинган тақдирда, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд этилади ва дастлабки тергов давомида назоратни амалга оширувчи прокурор томонидан текширилиб, натижаси ҳақида судга хабар қилинади.

Илтимоснома қаноатлантирилмай қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинганда, гумон қилинувчи, айбланувчи (ушлаб туриш охириги муддати тугаган ёки тугамаганлигидан қатъи назар) суд залида қамокдан озод қилинади. Бундай ҳолда бошқа турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи дастлабки тергов органи томонидан умумий асосларда ҳал этилади.

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилиниши, эҳтиёт чорасининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши, айнан ўша шахсга нисбатан бундай эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома билан судга такроран мурожаат қилишга, башарти ишни тергов қилиш жараёнида уни қамокқа олиш заруратини тақозо этувчи янги ҳолатлар юзага келган бўлса,

тўсқинлик қилмайди. Янги ҳолатлар деганда, жумладан: қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан рад этилгандан сўнг гумон қилинувчи, айбланувчининг дастлабки терговдан бўйин товлаши, жиноий фаолиятни давом эттириши; гумон қилинувчи, айбланувчининг жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши; гумон қилинувчи, айбланувчига бошқа ёки оғирроқ жиноят содир этганликда айб эълон қилиниши тушунилиши лозим.

Жиноятлар тергов қилинаётганда, яъни дастлабки тергов муддатларига мутаносиб равишда қамокда сақлаб туриш уч ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас (ЖПКнинг 351-моддасига кўра дастлабки тергов муддатлари ҳам уч ойни ташкил этади). Қамокда сақлаб туриш муддати шахс жиноят содир этишда гумон қилиниб, ушлаб турилган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Агар уч ой муддат ичида дастлабки тергов тамомланиб, қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш ёки эҳтиёт чорасини ўзгартириш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилмаган бўлса, ушбу муддат тамом бўлиши билан шахс дарҳол қамокдан озод этилади. «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасида прокурорларга айбланувчи ёки гумон қилинган шахсни қамокда сақлашнинг қонунийлиги ва асосланганлигини назорат қилиш, шунингдек қамокда сақлаш муддати тугаган шахсларни дарҳол қамокдан озод этиш ваколати берилган.

Ушбу муддат Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят ҳамда Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг илтимосномасига биноан беш ойгача, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг илтимосномасига биноан етти ойгача; Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг илтимосномасига биноан тўққиз ойгача; алоҳида мураккаб ишлар тергов қилинаётган ҳолларда оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг илтимосномасига биноан бир йилгача суд томонидан узайтирилиши мумкин. Бу қатъий муддат бўлиб, уни яна узайтиришга йўл қўйилмайди. Мазкур тартиб ва доирада эҳтиёт чораси тариқасида қамокда сақлаш муддатини узайтиришда суд томонидан тақдим этилган материалларнинг асослилиги, моддий ва процессуал қонун талабларига қатъий риоя қилинганлиги эътиборга олинади.

Эҳтиёт чораси сифатидаги қамокда сақлашнинг Ўзбекистондаги муддатлари РФ, Молдова, Қозоғистон, Қирғизистондаги муддатлар билан тенг. Украина ва Беларус ЖПКларида қамок муддати дастлабки тергов даврида 18 ойгача, судда жиноят ишини ҳал қилиш даврида эса – Беларус ЖПКга кўра 30 ойгача узайтирилиши мумкин. Россия Федерациясида барча қамокқа олинган шахсларнинг ҳар тўрттасидан бирига нисбатан процессуал муддатлар бузилиши ҳолатлари кузатилмоқда. Айбланувчиларни суд муҳокамасигача беш йил ва ундан ортиқ муддат қамокда сақлаб туриш ҳоллари ҳам учрайди.^{15[239]} Россия Федерациясида ҳар йили судгача турли асослар билан (жиноят ишининг тугатилиши, эҳтиёт чорасининг ўзгартирилиши) тергов ҳибсхоналаридан 125 мингга яқин киши озод қилинмоқда.^{16[240]} Натижада 1999 йил декабр ойидаги бир ҳафталик текшириш натижасида тергов ҳибсхоналаридан 972 киши озод қилинган.^{17[241]} Бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикасидаги тартиб анчайин афзал. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозир жиноят ишларининг 60 фоиздан кўпи бир ойда тергов қилинмоқда ва муддатлари тобора жуда оз ишлар бўйича узайтирилмоқда.

Ҳуқуқий давлатда қамокда сақлаш муддатларини узайтиришга, шу йўл билан уни суд орқали тайинланмаган жазога айлантиришга ва айбсизлик презумпциясининг принципларини оёқ ости қилишга йўл қўйилмайди.^{18[242]}

Беларус Республикаси ЖПКнинг 127-моддасига кўра, айбланувчини судгача қамокда сақлаш муддати 18 ойдан ортиқ бўлмаслиги керак. Айбланувчи ёки уни ҳимоячисини бу муддат тугагунча иш материаллари билан танишишига имкон бўлмаган ҳолларда, агар шахс оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган бўлса, Беларус Республикаси Бош прокурори бу тўғрида Олий суд раисига илтимоснома беради ва ўз навбатида у илтимосномани кўриб чиқишни Беларус Республикаси Олий суди аъзосига топшириши мумкин. Олий суд аъзоси масалани яқка тартибда прокурор иштирокида кўради ва иш билан танишишгача

^{15[239]} Доклад о деятельности Уполномоченного по правам человека в РФ О. Миронова // Российская газета. – 1999, 10-11 марта; О соблюдении прав человека и гражданина в РФ в 1996 – 1997 годах. Доклад Комиссии по правам человека при Президенте РФ. – М.: 1998. – Б.35; Борисов Т. Арест по филькиной грамоте // Российская газета. – 2001, 6 апреля.

^{16[240]} Крашенинников П.В. Тюрьма по-русски в ожидании перемен // Бюллетень Минюста России. – 1999. – №5. – Б.19.

^{17[241]} Тяжела ты, папка прокурора. Беседа и.о. Генерального прокурора РФ В. Устинова с корреспондентом «Российской газеты» Б. Ямшаловым // Российская газета. – 2000. 12 янв.

^{18[242]} Стецовский Ю. Конституции вопреки! // Юридический вестник. – 1997. – №6. – Б.4.

бўлган қамоқда сақлаш муддати узайтириш тўғрисида қарор чиқаради. Лекин бу муддат 6 ойдан ошмаслиги керак. Иш судга оширилгандан кейин қамоқда сақлаш муддати ҳар ой муддат тугашига 10 кун қолганда узайтирилиши мумкин ва умуман бу муддат 6 ойгача, оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича 12 ойгача узайтирилиши мумкин. Кўп ҳолларда дастлабки терговда тайинланган эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш, жиноят иши тамомланганда ҳам, айблов ҳукмини чиқариш вақтида ҳам сақланиб қолади. Бироқ, қонунда уни ўзгартириш ёки бекор қилиш имконияти назарда тутилган. Хусусан, тайинланган эҳтиёт чорасининг тўғрилиги айблов ҳукми билан келган иш бўйича прокурор томонидан; суд қилиш вақтида судья ёки суд томонидан; ишни қайта тергов қилиш вақтида; суд муҳокамаси жараёнида; ҳукм чиқариш пайтида текширилади.

Қамоқда сақлаш муддати тугаган ва қонунда белгиланган тартибда узайтирилмаган бўлса, маҳкум озодликдан маҳрум этиш жойларида қонунийликка риоя этилишини назорат қилувчи прокурорнинг қарорига биноан озод этилади. «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасида прокурорларга айбланувчи ёки гумон қилинган шахсни қамоқда сақлашнинг қонунийлиги ва асосланганлигини назорат қилиш, шунингдек қамоқда сақлаш муддати тугаган шахсларни дарҳол қамоқдан озод этиш ваколати берилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б.13.
2. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процесси (Умумий қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 596 бет
3. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процесси: (Махсус қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 382 бет
4. Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А., Норбоев А. ва бошқалар. Криминалистика. Дарслик 1-қисм. –Т.: Адолат, 2003. –Б. 178.
5. Батищев В.И. Раскрытие и расследование преступлений, совершенных одними и теми же лицами. – Воронеж: ВГУ, 1992. –Б.117
6. Леви А.А. и др. Получение и проверка показаний следователем. – М.: Юрид. лит., 1987. –Б.43.
7. Норбоев А.Н., Алимова Р.А. ва бошқалар. Криминалистика техникаси. –Т.: Қатортол-Камолот, 1999. –Б.103.
8. Самошина З.Г. Вопросы теории и практики предъявления для опознания на предварительном следствии. – М.: МГУ, 1991. –Б. 16.
9. Селиванов И.А., Снетков В.А. Руководство для следователей. –М.: ИНФРА-М, ИПК Лига Разума, 1997. –Б.264
10. Сидоров В.Е. Начальный этап расследования, организация, взаимодействие, тактика. - М.: Российское право, 1992. –Б.138.
11. Рыжаков А.П. Следственные действия и иные способы собирания доказательств. – М.: Филинь, 1997. –Б. 28.
12. Руководство для следователей. / Под ред. В.В.Найденова, П.А.Олейник П.А. –М.: Юрид. лит., 1981. –Б. 374.
13. Цветков П.П. Предъявление для опознания в уголовном процессе. – Ленинград: ЛГУ, 1982. –Б. 47.
14. Гинзбург А.Я. Тактика предъявления для опознания. – М.: Юрид. лит., 1971. –Б.15.
15. Тергов процессуал ҳужжатларининг намуналари. Амалий қўлланма. / А. Х. Рахмонкулов ва бошқалар. –Т.: ИИВ Академияси, 2005. –Б.124-125.
16. Хидоятлов Б.Б. Дознание в Республике Ўзбекистон. - Т.:ТГЮИ. 2005.- 105 б.